

ISFAYRAM

Quvasoy shahar hokimligining gazetasi



isfayram.uz



isfayram



isfayram



isfayram@inbox.ru

“Янги ҳаёт учун Янги Ўзбекистон учун”

QUVASOYDA HOKIM VA
YOSHLAR UCHRASHUVI TASHKIL ETILDI

chiqishlari mumkinligini ta'kidladi.

Shuningdek, Farg'ona shahridagi "Ishga marhamat" monomarkazi mutasaddilari hamda chet elda ta'lim olib, hozirda yurtimizda o'z faoliyatini samarali yo'lga qo'ygan yoshlar tomonidan xorijda, xususan, Germaniya, Yaponiya, Koreya kabi davlatlarda talab yuqori bo'lgan kasblar, ta'lim dasturlari to'g'risida atroflicha to'xtalib o'tildi.

Chet elda ishlash va o'qish istagida bo'lgan bitiruvchilarga ko'mak ko'rsatilishi ma'lum qilindi.

Yoshlarga oid davlat siyosatini ro'yogba chiqarish maqsadida tashkil etilgan ochiq muloqot yakunida mahallalardagi yoshlar yetakchilari bilan hamkorlikdagi ishlarni kengaytirish va o'g'il-qizlar bilan ishlash jarayonlarini yangi bosqichga olib chiqishga kelishib olindi.

Alisher MAMAJONOV,
Quvasoy shahar hokimi o'rinbosari.

Quvasoy shahar hokimligida shahar hokimi, birinchi sektor rahbari Zafarjon To'raqulov ishtirokida yoshlar bilan uchrashuv tashkil etildi.

Qariyb 180 nafarga yaqin o'g'il-qizlar jalb etilgan mazkur tadbir qiziqarli ma'lumotlarga va savol-javoblarga boy o'tdi.

Shahar hokimi Zafarjon To'raqulov kun sayin taraqqiy etib va rivojlanib borayotgan dunyoda har sohada kuchli raqobat muhiti mavjudligini, yoshlar doimo o'qib-o'rganish, hunar egallash orqaligina o'z o'rinlarini topishi, yaxshiy daromad va yaxshi hayotga ega

AHOLINI IJTIMOIIY HIMOYA
QILISH TIZIMI
TAKOMILLASHMOQDA

Jahonda aholini ijtimoiy himoya qilishning keng qamrovli tizimini yaratish, jumladan, bozor iqtisodiyoti rivojlanishi natijasida jamiyatda vujudga kelayotgan salbiy ijtimoiy muammolarni hal etish, ularning ta'sir doirasini kamaytirish, jamiyatda ijtimoiy adolat tamoyillarini ta'minlash asosida barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga erishish muhim vazifa hisoblanadi. Yurtimizda so'nggi yillarda aholini ijtimoiy himoya qilish tizimini takomillashtirish, ijtimoiy himoya sohasiga davlat byudjetidan ajratiladigan mablag'lar miqdorini oshirish va qo'shimcha moliyaviy resurslar jalb qilish, ijtimoiy himoya dasturlarini ko'paytirish va aholining ehtiyojmand qismini kambag'allikdan olib chiqishga qaratilgan keng islohotlar amalga oshirilmoqda.

2023- yil 27- dekabrda Davlat rahbarining 410- sonli "O'zgalar parvarishiga muhtoj keksalar va nogironligi bo'lgan shaxslarga ijtimoiy xizmat va yordam ko'rsatish tizimini takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida"gi qarori imzolandi.

Ushbu qaror asosida Agentlik tasarrufidagi "Saxovat" internat uylari "Ijtimoiy qo'llab-quvvatlash markazi" sifatida qayta nomlandi. 2024- yil 1- apreldan boshlab Samarqand va Fag'ona viloyatlari hamda Toshkent shahrida joylashgan "Ijtimoiy qo'llab-quvvatlash markazi"da eksperiment tariqasida:

ularda joylashtirilgan shaxslar uchun o'z ehtiyoji hamda xohishiga ko'ra qisqa va uzoq muddat qolish hamda internat uyidan butunlay chiqish imkoniyati yaratiladi; ular tomonidan mobil, kunduzgi qatnov shaklidagi, qisqa va uzoq muddatli ijtimoiy va reabilitatsiya xizmatlari

ko'rsatiladi. Bunda, mazkur xizmatlardan "Ijtimoiy himoya yagona reyestri" ATga kiritilgan oilalarning o'zgalar parvarishiga muhtoj keksalari va nogironligi bo'lgan shaxslari bir yilda bir marta bepul; ijtimoiy qo'llab-quvvatlash markazlari joylashgan hududdagi keksalar va nogironligi bo'lgan shaxslar esa 1-5 va undan ortiq kunlarga mo'ljallangan shartnoma asosida foydalanadilar.

Markazga yo'llanma "Inson" ijtimoiy xizmatlar markazlari tomonidan berilishi Prezident qarorida belgilab qo'yilgan.

Markazda tibbiy (fizioterapiya, davolash badantariyasi) mashqlari, davolash tavsiyalarini bajarish, massaj, muassasada vaqtida shifokorlar nazorati, parhez taomlar tayyorlash, birlamchi tez tibbiy yordam ko'rsatish) va ijtimoiy xizmatlar (ko'ngilochar tadbirlar, sayohatlar, psixologik yordam, kutubxona xizmati, yuridik yordam, mehnat ustaxonalar, protez-ortopediya vositalari bilan ta'minlash), shuningdek, massaj, davolash tavsiyalarini bajarish, birlamchi tez tibbiy yordam; psixologik va yuridik yordam, sartaroshxona xizmati, protez-ortopediya vositalari hamda reabilitatsiyaning texnik vositalaridan foydalanishni o'rgatish turlarini o'zida jamlagan mobil xizmatlar ko'rsatiladi.

Ta'kidlash lozimki, Quvasoy shahar "Inson" ijtimoiy xizmatlar markazida o'zgalar parvarishiga muhtoj keksalarga ijtimoiy xizmat va yordam ko'rsatish borasidagi ishlar tizimli yo'lga qo'yilgan. Binobarin, 90 nafar o'zgalar parvarishiga muhtoj keksalarga ijtimoiy xodim assistentlari tomonidan belgilangan reja-jadval asosida ijtimoiy xizmatlar ko'rsatilmoqda.

O'tkirbek KARIMOV,
Quvasoy shahar "Inson" ijtimoiy xizmatlar markazi rahbari.

Har bir murojaat nazoratda

SHAHAR HOKIMINING
NAVBATDAGI SAYYOR
QABULI BO'LIB O'TDI

Bugun Quvasoy shahar hokimi Zafarjon To'raqulov ishtirokida shahardagi Xalq qabulxonasida navbatdagi sayyor qabul tashkil etildi.

Daxldor idora va tashkilotlar rahbarlari jalb etilgan qabulda fuqarolarning uy-joy, moddiy yordam olish, salomatlikni tiklash, bandlik, hududlarni obodonlashtirish kabi turli masalalarda qilgan murojaatlari eshitildi.

Har bir murojaat atroflicha muhokama qilinib, ularni hal etish chora-tadbirlari belgilandi.

Ayrim masalalar joyning o'zida yechim topgan bo'lsa, hal etilishi uchun muddat talab etiladigan murojaatlarni mutasaddilarga qo'shimcha o'rganish bo'yicha topshiriqlar berilib, ijrosi qat'iy nazoratga olindi. Qonuniy jihatdan qanoatlantirish imkoniyati mavjud bo'lmagan murojaatlar bo'yicha tegishli tushuntirishlar berildi.

Quvasoy shahar hokimligi Axborot xizmati.



TAYINLOV

Ikromjon Dadaboyev O'zbekiston mahallalari uyushmalari Quvasoy shahar bo'limi boshlig'i etib tayinlandi

Shahar hokimligi majlislar zalida bo'lib o'tgan yig'ilishda Dadaboyev Ikromjon Aliyovich jamoatchilikka tanishtirildi.

Yig'ilishda Quvasoy shahar hokimi Zafarjon To'raqulov, sektorlar rahbarlari, O'zbekiston mahallalari uyushmalari viloyat boshqarmasi boshlig'i Adxam Ziyaviddinov, mahalla fuqarolar yig'inlari raislari, daxldor idora va tashkilotlar vakillari ishtirok etdilar.

Dadaboyev Ikromjon Aliyovich 1973- yil 15- iyun kunda Farg'ona viloyati Quvasoy shahrida tug'ilgan, millati o'zbek, ma'lumoti oliy, 1998 yili Farg'ona davlat universitetini tamomlagan, mutaxassisligi chet tillari filolog. Harbiy unvoni podpolkovnik. 2018 yilda "Jasorat" medali bilan taqdirlangan.

Mehnat faoliyatini 1991-1993 yillarda Quvasoy shahar "Quvasoychinnisi" korxonasi chilangari, 1993-1998 yillarda Farg'ona davlat universiteti talabasi, 1998-2020 yillarda O'zbekiston Respublikasi DXX organi xodimi, 2021-2022 yillarda Quvasoy shahar hokimining jamoatchilik bilan ishlash bo'yicha maslahatchisi, 2022-2023 yillarda Quvasoy shahar Mahalla va nuroniyalarni qo'llab-quvvatlash bo'limi boshlig'i, 2023-2024 yillarda Quvasoy shahar Kambag'allikni qisqartirish va bandlik bo'limi boshlig'i, 2024 yildan hozirgi kunga qadar O'zbekiston mahallalar uyushmasi Quvasoy shahar bo'limi boshlig'i lavozimlarida ishlash kelgan.

“QO'CHQORCHI” MAHALLASIDA TANTANALI
“UCH AVLOD UCHRASHUVI” BO'LIB O'TDI

Quvasoy shahridagi "Qo'chqorchi" mahalla fuqarolar yig'inidagi tantanalar majmuasida "Uch avlod uchrashuvi" bo'lib o'tdi. Unda shahar hokimi Zafarjon To'raqulov, shahar sektorlari rahbarlari, "Nuroni" jamg'armasi viloyat bo'limi raisi Zokirjon Rahmonov, Respublika «Nuroni» jamg'armasi mas'ul xodimi Majidxon Umarov ishtirok etdi.

"Yangi hayot uchun, yangi O'zbekiston uchun!" g'oyasi asosida o'tgan ma'naviy-ma'rifiy tadbirga "Qo'chqorchi" hamda «Namuna» mahalla fuqarolar yig'inlari aholisi,

nuroniylar va yoshlar taklif etildilar.

So'z olganlar tomonidan davlatimiz rahbari tashabbusi bilan jamiyatimizning har bir a'zosisiga g'amxo'rlik, mehr-oqibat ko'rsatilayotgani, inson qadr-qimmatini, uning orzu-niyatlarini ro'yogba chiqarishga imkoniyat yaratib berish ustuvor vazifaga aylangani ta'kidlandi.

Shuhratjon DADABOEV,
Nuroni jamg'armasi Quvasoy shahar bo'limi rahbari.

Suratlar muallifi: Ozodbek RAIMOV.



Шаҳар кенгаши сессиясида

ЙИЛ ЯКУНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Олтинчи чақириқ Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг навбатдаги 64-сессияси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги томонидан белгилаб берилган режа-жадвал асосида ўтказилган мазкур сессияни шаҳар Кенгаши раиси З.Ўрақулов очди ва олиб борди.

Сессияда шаҳар ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, кун тартибидagi масалага дахлдор давлат ва жамоат ташкилот раҳбарлари, маҳаллий депутатлар ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Сессияда 4 та секторда 2023-йилнинг 12 ойи давомида шаҳарда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти ҳамда murojaat-

лар билан ишлаш тизими тўғрисида, шаҳар ҳудудида қонунийлик ҳолати ва жиноятчилик аҳоли, жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида 2023 йил даврида амалга оширилган ишлар ҳамда бу борада жорий йил якунига қадар қўриладиган чора-тадбирлар ва эришиладиган натижалар ҳақида ва 2023-йилнинг 4-чораги якуни бўйича Куvasoy шаҳридаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати юзасидан масъулларнинг ахбороти тингланди.

(Давоми 2-бетда)

ЙИЛ ЯКУНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ



(Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, шаҳар Мажбурий ижро бюросининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6118-сонли Фармони ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги "2024 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури тўғрисида"ги ПҚ-7-сонли Қарори ҳамда шаҳарда 2024 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш борасидаги устувор вазифалари тўғрисида, Қувасой шаҳар маҳаллий бюджетининг 2023 йил якунлари ва 2024 йил 1 январ ҳолатига эркин қолдиқ маблағларини шаклланиши ижроси, Халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгашининг 2024 йил 1-ярим йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида ахборот бердилар.

Сессия давомида "Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, "Темир", "Аёллар", "Ёшлар" дафтарларидан чиқариш, бундан айниқса аҳоли, шу жумладан хотин-қизлар, ёшларни, битирувчилар ва хориждан қайтган фуқароларни бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш" бўйича ишларни кўчайтириш юзасидан 2023 йил 2-ярим йиллигига мўлжалланган "Йул харитаси"нинг 4-чорак ижроси юзасидан ахборотлари тингlab, бир овоздан тасдиқланди.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати А.Касимов, О.Худойбердиев, Ф.Ақбаров, А.Назиров ва бошқалар ахборот юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Сессия кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Азамжон КАСИМОВ,
Халқ депутатлари шаҳар
Кенгаши депутати.

БУЮК СИЙМОЛАРГА ЭХТИРОМ

Мир Алишер Навоий ҳақида сўз борганда, ўзбек адабий тилининг асосчиси, шоир ва давлат арбоби, улкан "Ҳамса" асарининг муаллифи кўз олдимизда гавдаланади. Навоий асарларида ҳоҳ у рубоий, ҳоҳ у ғазал ёхуд ёриқ асар бўлсин, ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олишга эришган. Мисол учун, устоз ва шоғирд хусусида шундай сатрлар битган:

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас онинг ҳаққин юз ганж ила.

Шу кунларда ўзбек адабий тилининг асосчиси, ғазал мулкчининг султони Алишер Навоий таваллуд топан кўнининг 583 йиллиги, шунингдек буюк саркарда шоҳ ва шоир Захриддин Мухаммад Бобур таваллуд кўнининг 541 йиллиги муносабати билан жойларда кенг кўламли маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Қувасой шаҳар ММТБ тасарруфидagi 28-умумтаълим мактабидa "Буюк сиймоларга эҳтиром" мавзусида ташкил этилди.

Байрам тадбири мактаб фаоллар талбири ўтказилди, тадбир ўтказаладиган жой Алишер Навоий ва

Захриддин Мухаммад Бобурнинг ҳаёт йўллари акс этган фотопанорама билан безатилди. Алишер Навоий ва Захриддин Мухаммад Бобурнинг таваллудини кенг нишонлаш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Шу кунги тадбирда фахрий устозлар ва барча ўқувчилар иштирок этдилар.

Тадбирда мактаб директори Ш.Абдуқодиров очар экан, ҳар ким шоирнинг ҳаёт йўллари ҳақида қисқача тўхталиб ўтилди.

Мазкур тадбирда Алишер Навоий ҳамда Захриддин Мухаммад Бобурнинг рубоийлари, ғазаллари, хикматли иборалари, сажна кўринишлари, шунингдек мутафаккирларнинг Алишер Навоий тўғрисидаги фикрлари ва у ҳақда ёзилган шеърларидан намуналар ўқиб эшиттирилди.

Шу билан бир қаторда А.Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган ижод кўргазмалари ташкил этилди.

Ф.КАРАБАЕВА,
шаҳардаги 28- умумий урта таълим мактаби она тили фани ўқитувчиси.

МИЛЛАТНИНГ ЎЗЛИГИ

Истиқлол бизнинг юрагимизга ватанни севиш, унинг ҳар бир қарич ерини асраб авайлаш, ғурур ва ифтихор тўғулларини солди. Айни пайтда озод халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги, энг асосийси, тарих зарваракларига саҳифаланган бой мероси бор.

Маънавиятнинг туб илдиэлари қаерда? Албатта, ўз халқини, ватанини севган, чин маънода яна шу миллат фарзанди эканидан қувониб яшаётган ҳар бир инсонни қалбидa жамулланм. Маънавий баркамолликка эришиш учун аввало, инсоннинг кўнгли тоза, виждони пок бўлиши керак. Зеро, маънавият гўзал ҳулқ, намунали одоб-ахлоқ доирасида шаклланади. Маърифатли, юксак маданиятли инсонгина маънавиятли ҳисобланади. Маънавиятли инсон энг аввало, ўзини ҳурмат қилади. Қолаверса, Ватанини ёмон кўзлардан, ноқўя сўзлардан ҳимоя қилади. Тўғрироғи, ундай инсон диллида меники эмас, барчамизники деган ғоя бўлади.

Кўп вақтлар унутилиб кетган урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Бу билан ўзига бек халқимиз дунё халқлари нигоҳи олдига ўзлигини намоён қилди. Бугун шу азиз ва муқаддас замин бизники. Халқимизнинг бой маънавий меросини келажак авлодга етказиш ҳам ўзимизнинг қўлимизда.

Ёшларимиз дунёқарашида, онгидa маънавият тушунчасини шакллантириш мақсадида турли тадбирлар, кечалар ўтказилаётганлиги уларнинг руҳиятига яхши таъсир кўрсатмоқда.

Маънавият билан маърифат ўртасида боғлиқлик мавжуд. Зеро, газета, журнал, китоб ўқитган ёшларимиз эътиборли бўладилар. Бугун маънавиятни оилада мукамаллаштиришимиз лозим.

Зеро, маънавият миллатнинг ўзлиги, буюклиги ва барқарорлигидир.

Раҳимжон РАЙИМЖОНОВ,
Маънавият ва маърифат маркази
Қувасой шаҳар бўлинмаси раҳбари.

Ko'rik-tanlov

TO'MARIS AVLODLARI



O'zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati chegara qo'shinlari tizimida faoliyat yuritayotgan xotin-qizlar ishtirokida Quvasoy shahrida "To'maris avlodlari" ko'rik-tanlovinining saralash bosqichi bo'lib o'tdi.

Mazkur tanlov 6 ta shartdan iborat bo'lib Namangan, Farg'ona va Andijon viloyatlaridan kelgan ayol-qizlar ishtirok etdilar. Unda ishtirokchilarning nafaqat aqliy salohiyatlari, balki jismoniy epchilliklari ham sinovdan o'tkazildi. Jarayonda muqaddas Vatanimizni sharaflovchi she'rlar aytildi, qo'shiqlar kuylandi, jinoyatchilikka qarshi kurashishga undovchi sahna ko'rinishlari namoyish etildi.

Savol-javob yo'nalishida o'tgan shartda ishtirokchilarga harbiy,



egalladi. Mazkur tanlov g'olibasi poytaxtimizda bo'lib o'tadigan Respublika bosqichida vodik sha'nini himoya qiladi.

O'z muxbirimiz.

БУГУНГИ КУННИНГ ОҒРИҚЛИ НУҚТАСИ ИНТЕРНЕТНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДАГИ ЎРНИ



Биз шундай замонда яшаямизки, бирор кунимизни интернетсиз ўтказиш олмаймиз. Бир кун кирмасак, худди бирор нарсамизни йўқотиб қўйгандекмиз. Кимдир янгилик олиш мақсадида, кимдир ахборот улашиш мақсадида, кимдир илм олиш мақсадида, кимдир ўйин ўйнаш мақсадида, кимдир беҳаёликлардан нафсини қондириш мақсадида, кимдир шунчаки, бекорчиликдан вақтини ўтказиш мақсадида, кимдир кино кўриш мақсадида, кимдир керакли да-стурларни юклаш мақсадида, кимдир бойлик орттириш мақсадида, кимдир кимнидир алдаш, кимдир бизнесини ривожлантириш, қолаверса, кимдир нимадир сотиб олиш мақсадларида ин-тернетдан фойдаланади...

Эҳ-е, рўйхатни яна ҳам давом эттириш мумкин. Ушбулар орасидан ўзингизни топдигинизми? Сиз нима мақсадда интернетдан фойдалана-сиз? Мақсадингизни аниқ қўйганимиз? Шу мақсадингиз ўзингиз ё оилангиз фойдасигами, жамият ривожига, ватанимиз равнақи учун ҳис-са қўшадими? Шу мақсадингиздан оғишмай ҳар доим собитқадам юра оласизми? Интернетдаги мафтункор фитналарга чалғиб қолмайсизми? Ундаги кўзга кўринмас хуружлардан етарли даражада ҳимояланганимиз? Ҳар бир қилаётган ишингиздан Аллоҳ гувоҳлиги-ю, фаришталар амалларингизни ёзувга тушираётганини ҳар доим ҳам ҳис қиласизми?

Албатта, интернет узогимизни яқин, оғиримизни енгил, биримизни икки, ишимизни осон қилишга хизмат қилади. Ушбу мақолада ин-тернетнинг ижобий жиҳатлари ҳақида тўхтал-маймиз. Қўллаб-иқибий жиҳатлар билан бир-галикда ҳаммамизни оғоҳликка қақирадиган, интернет тармоғидан фойдаланганимизда ҳу-шёрликни талаб этадиган жиҳатлар бор.

Интернет хуружлари ҳақида гапирганда, энг аввало ғоявий, мафкуравий, ахборий, психо-логик, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий хуружларни эслаш лозим. Чунки, XXI аср ахборот асридир. Биргина ахборот (ёлгон, бузғунчи ёки тузукли) билан бутун бир давлат янча ёки халқлар, миллатлар орасида, кишилар орасида ёхуд давлатлараро, қитъалараро турли низолар, келишмовчиликлар, ҳатто қонли урушлар келти-риб чиқариш мумкин.

Дастлабки ўринда диний бузғунчилик хуруж-лари ҳақида гапириш ўринли бўлади. Бу ўрин-да инсонларни диндан чиқариш, динсизлик, бошқа динларга тарғиб, диний экстремизм ва террорчиликка даъват каби масалаларни кел-тириш мумкин. Бу хуруж ҳозирги кундаги энг кўрқинчли хуружлардан бўлиб, унинг оқибатла-рини ёзишга эҳтиёж бўлмаса керак, чунки ҳар кун дунёнинг қайсидир ерида инсонларнинг ўлимига сабаб бўлаётган нохушликларни эс-ла-масликнинг илоҳи йўқ.

Ундан ташқари ёшлар тарбиясини бузишга

тарихи, сиёсий ҳамда географик yo'nalishlarga oid savollar berildi. 4 ta shartdan na'munali o'tgan ishtirokchilar, pazandachilik yo'nalishida ham bellashishdi.

Hakamlar hayati tomonidan sinovlar 10 ballik mezon asosida baholab borildi. Natijalarga ko'ra, ishtirokchilar orasidan „To'maris avlodlari“ ko'rik tanlovinining saralash bosqichida 3-o'rinni Andijon viloyati vakili qo'lga kiritgan bo'lsa, 2-o'rin So'x tumanidan kelgan ishtirokchiga nasib etdi.

Faxrli 1-o'rinni Farg'ona viloyatidagi harbiy qismlarda xizmat qilayotgan Maftuna Ashuraliyeva

QUVASOYDA “MA'NAVIYAT - DAVLATNING KUCH-QUDRATIDIR» NOMLI TANLOV TASHKIL ETILDI

Yoshlar o'rtasida kitobxonlik va nutq madaniyatini oshirishga qaratilgan tanlov shahar hokimligi, shahar Ma'naviyat va ma'rifat bo'limi, shahar Axborot-kutubxona markazi, Maktabgacha va maktab ta'limi bo'limi va Yoshlar ishlari agentligi shahar bo'limi hamkorligida tashkil etildi.

Quvasoy shahridagi ixtisoslashtirilgan maktab hamda shahardagi 29 ta maktablarning iqtidorli o'quvchilari uchun o'ziga xos imkoniyat maydoni bo'lgan tanlov «G'azalxonlik», «Monolog» va «Notiqlik san'ati» yo'nalishlarini



o'z ichiga oldi.

Tanlovining ochilish marosimida shahar hokimi o'rinbosari Alisher Mamajonov, imom-xatib, yoshlar va jamoatchilik vakillari ishtirok etdilar.

Bekzod FOZILOV,
Yoshlar ishlari agentligi shahar bo'limi
boshlig'i.



ҲАМКОРЛИҚДА ОИТСГА БАРҲАМ БЕРАМИЗ!

Ҳозирда ОИТСга қарши кураш ва уни олдини олиш масала-си дунё бўйича долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бирлашган миллатлар ташкилотининг (БМТ)нинг тавсияси бўй-ича ҳар йили барча мамлакатларда 1 декабр- «Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш кун»и муносабати билан турли тадбирлар амалга оширилади.

Ушбу кун нишонланишини асосий мақсади ОИТС ва унга қар-ши кураш масалаларига ҳамжамият эътиборини кўчайтириш, аҳолини оғоҳликка қақариш, ёшларни ОИТС ҳақидаги ха-бардорликларини ошириш, шунингдек, бу дардга чалинган инсон-ларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Мутахассисларнинг таҳлили бўйича Фарғона вилоятининг бар-ча шаҳар ва туманларида ОИВ инфекцияси рўйхатга олинмоқда.

Касаллик асосан 3 хил йўл билан юқади:

- жинсий йўл- пала-партиш жинсий ҳаёт кечирганда, ОИВ юққан шахс билан ҳимоясиз алоқада бўлганда;

- қон орқали - тери ва шиллиқ қаватлар бутунлигини бузилиши билан кечадиган муолажаларда, қон қолдиқлари мавжуд бўлган устара ва тиш чўткаларидан умумий ишлатилганда, маникюр-пе-дижор ва татуаж қилинганда;

- онадан болага - ОИВ инфекцияси ҳомиладордан болага хо-миладорлик даврида, туғруқ жараёнида ва кўкрак сути билан эмизганда.

Ҳозирги вақтда вилоятда энг кўп, яъни 80 фоиз ҳолатда ка-саллик вирусни пала-партиш ҳаёт кечираётган шахслар ўртасида жинсий йўл билан тарқалиши кузатишмоқда.

Айниқса, турмуш қуриш учун никоҳдан ўтаётган келин-куёвлар ўртасида ОИВ инфекциясининг аниқланиши барчани таъшишга солмоқда.

Бу эса оилада, таълим муассасаларида, маҳаллаларда ёшлар тарбиясига эътиборни кўчайтириш, ёшларни миллатимизга ҳос бўлган одоб-ахлоқ доирасида тарбиялаш, содиқлик, вафодор-лик каби ҳислатларни синдиришни талаб этади.

ОИВ инфекциясини кириб келиши ва тарқалишига чет дав-латлардан ишлаб қайтаётган меҳнат мигрантлари сабабчи бўл-моқда. Жумладан, барча аниқланган ОИВ юққанлар ўртасида меҳнат миграцияси билан боғлиқ ҳолатлар салмоғи 30 фоизни ташкил қилди.

Бу эса чет элга кетаётган мигрантларни олдиндан тилга, касбга ўргатиш ва ОИВни юқиш йўллари ва ундан сақланиш мавзуларида маълумотлар бериш лозимлигини таъазо қилади.

Энг асосийси, қайтган мигрантлар касалликни бошқаларга юктириб қўймасликлари учун улар ОИВга лаборатория текши-рувларидан ўз вақтида ўтишлари шарт. Лекин бу борада ишлар талаб даражасида эмас, айрим меҳнат мигрантлари текширувга келмаётганлиги, бош тортаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Бу борада Соғлиқни сақлаш, ИИБ ҳодимлари ва маҳалла фаоллари ўртасида узвий боғлиқлик, ҳамкорлиқни кўчайтириш зарур.

Ҳозирда ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан 3 та «95-95-95» стратегияси асосида профилактика ишлари ташкил этилган. Яъни, ОИВ ни юктириб олган шахсларнинг 95 фоизи ўз мақомини билиши, беморларнинг камида 95 фоизи махсус ретровирусга қарши препаратлар (АРВТ) билан қамраб олини-ши ҳамда махсус дори қабул қилаётганларнинг 95 фоизидa ви-рус юктамаси аниқлаб бўлмайдиган даражада бўлиши мақсад қилиб олинган.

Бу борада давлатимиз беморларни 100 фоиз бепул АРВТ пре-парталари билан таъминламоқда. Беморлар ушбу махсус препаратларни ўз вақтида ва тўғри қабул қилиб боришса, мақ-садга мувофиқ бўлади.

Ҳозирда дунё бўйича аҳолини ОИТС бўйича хабардорлиги-ни ошириш масаласи профилактиканинг асоси сифатида тан олинган.

Бу борада оммавий ахборот воситалари, телевидение, ижти-моий тармоқларнинг роли беқиёсдир. Ҳамкорликда ишларни ташкиллаш аҳолини ОИТСдан муҳофаза қилишга хизмат қила-ди.

Н.И.ВАСЬКИВ,
Қувасой шаҳар Кўп тармоқли марказий поликлиника
инфекционист врач.
Авазбек АКБАРОВ,
вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази
бўлим мудир.

ТАМАКИ ЧЕКИШНИНГ ЗАРАРЛАРИ



Тамаки махсулотларини истеъмол қилиш инсон саломатлиги учун зарардир. Ҳозирги кунга келиб, дунё миқёсида чекувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Ёшлар ва хотин-қизлар орасида кашандаликнинг тарқалиши эса жуда аянчли ҳолдир.

Замонавий тиббиёт натижаларига суянган ҳолда шуни аниқ айтишимиз мумкинки, тамаки таркибида йигирмадан ортиқ заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, улар ичида энг заҳарлиси никотиндир. Инсон сигарета чекканда, никотин тутун орқали ўпкага, кейин эса қонга сурилиб, юрак-қон томир системасига салбий таъсир этади. Қон томирлари торайиб, босим ошади. Юрак уриши тезлашади. Бу ҳолат юрак мускулларини ишдан чиқишига сабаб бўлади. Бу ҳол тез-тез тақдорланаверган, бориб-бориб юрак инфаркти, стенокардия каби касалликлар бошланиши мумкин. Маълумотларга қараганда, чекувчиларда чекмайдиганларга нисбатан ўн икки марта кўпроқ юрак-қон томир хасталиклари учрайди.

Тамаки бош мия ҳужайраларига ҳам таъсир этмай қолмайди. Чекувчида уйқусизлик, бош оғриғи бошланади. Оқибатда эса марказий нерв системаси фаолияти бузилади. Кўп чекадиган киши тез-тез балғам ташлайди. Тез юрса, жисмоний меҳнат қилса, ҳансирайдиган бўлиб қолади. Айрим ҳолларда кўп тамаки истеъмол қилиш чекувчини руҳий хасталиқларга дучор қилиши мумкин.

Тамаки чекиш нафас

олиш системасига ҳам зарarli таъсир қилади. Тамаки тутуни таркибидаги заҳарли моддалар турли хил ўпка хасталиклари – бронхит, сил, ҳаттоки саратон(рак) касалликларига олиб келиши кузатишган.

Тамаки овқат - ҳазм органларига таъсир қилиши натижасида кишида иштаҳа йўқолади, оғизда бемаза таъм пайдо бўлади, сўлак безлари фаолияти бузилади. Сўлак билан ошқозонга тушган никотин кислотаси унинг деворларини зарарлайди. Жигилдон қайнайди. Меъда керагидан ортиқ шира ишлаб чиқаради. Бу эса меъда ўنيкибармоғи ичак яраси каби касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Тиббиётда кашанда отадан ёки онадан бўлган бола туғилмай нобуд бўлиши, туғилганда эса нимжон, касалманд бўлиб туғилиши маълум. Кашандалик тамаки чекишга муккасидан кетишлик, ҳаттоки инсонни кўр бўлиб қолишига олиб келаркан. Тамаки чекувчи томонидан ташқарига чиқарилган тутун таркибида заҳарли моддалар концентрацияси кўп бўлади. Бундай ҳолатда чекмайдиган одамлар ҳам мажбурий равишда чекишга ўрганиб қолишлари мумкин.

Кўпчилик танишларимиз, дўстларимиз билан чекиш тўғрисида баҳслашганимизда, улар сикилганда чекишларини айтиб, ўзларини оқлашга уринишади. Гўёки тамаки инсон ғамини аритадигандек. Ахир, бу ҳолат «бургага аччиқ қилиб кўрпа ёқиш» каби эмасмикан. Бугунда сигаретнинг турлари кўпайди.

Уларнинг хилма-хиллигига барчамиз гувоҳимиз. Тамаки чекишнинг зарarli оқибатлари ҳақида, деярли, барча оммавий ахборот воситалари ёрдамида ёритилиб борилаётган бир пайтда, тамаки махсулотлари реклама қилиниб, реклама роликларига чиқиши нихоятда хунук ҳолдир. Ранг-баранг қутилар қанчалик жилоли бўлмасин, унинг ичидаги оғу эканлигини унутмаслик керак. Тамаки қутисидаги бир энлик «чекиш соғлиқ учун хавфли» дейилган ёзувга эса кашандалар, деярли, ҳеч қачон эътибор беришмайди.

Шахримиз кўчалари, бекатларга ташлаб кетилган сигарета, нос қолдиқлари уларнинг ҳам, бизнинг ҳам кўнглимизни хира қилмаслигини истардим. Кези келганда шуни ҳам айтиш кераки, жомоат транспорти бўлган автобусларда ҳайдовчиларнинг кўпчилиги бемалол сигарет чекиб, йўловчи ташинишади. Бу эса тамаки тутунини ёқтирмайдиган йўловчиларга азият беради.

Ёши катталар, чекишнинг зарarliги тўғрисида маълумотга эга бўлганлар ҳозирги ёшларга ўрнак бўлмоғи лозим. Ўзгаларга ибрат бўлмоқчи бўлган кишиларнинг ўзларида ҳам бундай иллатлар йўқ бўлса, нур устига нур бўларди. Мажлисда жон кўйдириб чекишнинг зарари тўғрисида сўзлаган нотикнинг мажлис тугагач, чекиб турганини кўрганлар нима ҳам қилиши мумкин.

Тамаки чекишни ташлаш мумкин. Бунинг учун кишида ирода бўлмоғи лозим. Тўғри, чекишни ташлаган киши дастлабки кунларда анча қийналади, йўтал тутуши, ҳолсизланиши, кафияти ёмонлашиши мумкин, аммо бу ҳолат тез кунда ўтиб кетади. Ўз саломатлигини ўйлаган киши тамаки чекишни ташлагани маъқул.

Ёқутхон ТАШМАТОВА,
Қувасой шаҳар Оилавий поликлиникасининг олий тоифали шифокори.
Хуршида РАЖАБОВА,
Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти
Қувасой шаҳар бўлими ҳамшираси.

Мутахассис огоҳлантиради!

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ «А»
КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИНГ!


Гепатит А (юқумли сариқ касаллиги) қадим замонлардан бери маълум. Гепатит А вируси диаметри 27 нанометрга тенг бўлган микроорганизмдан иборатдир. Генетик белгилар бир спиралли РНКда сақланади.

РНҚ парда билан қопланмаган. Бу вирус пикарновирус оиласига мансуб ва энтеровируслар авлодида қиради. Унинг битта антигени бор. Қайнатишганда 5 дақиқа ичида ҳалок бўлади, ультрабинафша нурлари ҳам тезда ўлдиради. Эфир ва кислоталар таъсирига чидамли.

Эпидемиологияси: Гепатит А юқумли ичак инфекциялари гуруҳига қирадиган антрапаноз касаллиқдир. Касаллик манбаи бемордир. Вирус бемор ахлати орқали ташқарига чиқарилади, у айниқса инкубацион даврнинг охири ва бемор бадани сарғайгунга қадар, яъни гепатитнинг бошланғич даврида кўп чиқарилади. Шу сабабдан беморлар то сариқ пайдо бўлгунга қадар жуда хавфли бўлади. Беморларнинг бадани сарғайгандан сўнг кўпчилигининг ахлатида вирус топилимайди. Бадан сарғайгандан сўнг беморлардан гепатит А атрофдагиларга деярли юқмайди. Касаллик белгилари пайдо бўлишдан 9-10 кун олдин беморнинг қонида вирус борлиги аниқланади. Бемор қонида вирус сариқ даврининг биринчи кунларидаёқ йўқолади. Касаллики бошқаларга юқтириш жиҳатидан гепатит А нинг сариқсиз ва билинар – билинмас белгилар билан утадиган формалари жуда хавфли ҳисобланади. Гепатит А фекал-орал йўли билан юқади. Бемор ахлати билан сув, озиқ-овқат махсулотларини ифлосланиши жуда хавфлидир. Бундай ҳолларда ёлпасига кўп одамлар касалланади. Мулоқот орқали юққанда эса касаллик аста-секин тарқалади. Гепатит А да вирус ташиб юриш ҳолати қисқа муддатли бўлади ва шу сабабдан унинг эпидемиологик аҳамияти йўқ. Яъни, вирус ташиб юрувчилардан соғлом одамларга гепатит А юқмайди. Гепатит А дан соғайган одамда умрбод сақланадиган мустаҳкам иммунитет пайдо бўлади. Гепатит А асосан боғча ва бошланғич мактаб ёшидаги 14 ёшгача бўлган болаларда учрайди. Гепатит А куз-қиш ойларида кўп учрайди.

Гепатит А нинг бошланғич даврида, яъни бемор бадани сарғайгунга қадар кўпинча диагноз аниқланмайди. Бинобарин беморлар гепатитнинг энг юқумли даврида касалхонага ётқизилмайди ва улардаги касаллик бошқаларга юқа беради. Шундай вазиятда аҳоли етарли водопровод суви билан таъминланмаган бўлса ва шунингдек аҳоли яшайдиган жойларда канализация тармоқлари ўтказилмаган бўлса, касаллик осонгина тарқалиб кетади. Бунинг устига аҳолининг санитария маданияти паст бўлса, оддий санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилинмаса гепатит янада тез тарқалади. Гепатит А 1 ёшгача бўлган болаларда учрамайди. Сабаби уларда онасидан ўтган иммунитет бўлади.

Клиникаси: Гепатит Анинг клиникаси инкубацион, бо-



шланғич, сарғайиш ва соғайиш давлари ажратилади. Гепатит А нинг бошланғич (сарғайишдан олдинги) даври ўрта ҳисобда бир ҳафта давом этади, бемор баданида сариқ бўлмайди. Бу даврда беморнинг эти увишиб қалтирайди, боши оғрийд, аъзойи бадани қакшайди, тумов белгилари кўринади, бурни битиб, томоғи оғрийд, озгина йўталади, мадори қуриб, иштаҳаси бўғилади. Гепатитнинг бошланғич даврида кундан-кунга беморнинг мадори қуриб беҳоллик кучая боради. Шунингдек иштаҳаси ёмон бўлади, кўнгли ҳеч нима истамайди. Охири кунларда бемор сийдигининг ранги ўзгаргани ҳақида сўраш керак. Одатда беморнинг кўзи ва бадани сарғайишдан бир неча кун олдин сийдиги тўқ сариқ тус олади ва худди аччиқ чойга ёки пивога ўхшаб бўлади.

Касаллики олдини олиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- биринчи ўринда вирусли гепатит А га қарши эмланиш;
- шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш;
- болаларни очиқ сув ҳавзаларида чўмилишларига йўл қўймаслик;
- мева ва сабзавотларни ювиб истеъмол қилиш;
- пашшаларга қарши курашиш, яъни дераза ва эшикларга тўр пардалар ўрнатиш;
- фақат қафолатланган ичимлик сувидан истеъмол қилиш мумкин аҳамиятга эга.

Вирусли гепатит касаллигини белгилари кузатилиши билан оқ шифокорга мурожаат қилинг. Ўз билганингизча ҳар хил антибиотикларни қабул қилманг. Болаларни **ВАКЦИНАЦИЯ** билан эмлаш катта аҳамиятга эгадир.

Ўз саломатлигингизга бефарқ бўлманг!

Р.РУСТАМБЕКОВА,
Қувасой шаҳар Оилавий поликлинিকা оилавий шифокори.
А. УЛЯШЕВ,
Қувасой шаҳар СЭО ва ЖС бўлимининг врач эпидемиолога.
Ш. ОТАХОНОВА,
Қувасой шаҳар СЭО ва ЖС бўлимининг эпидемиолог врач ёрдамчиси.

DASTUR DOIRASIDA AMALGA
OSHIRILMOQDA

Mana yangi 2024-yil qarshilaganimizga ham bir oydan oshmoqda. Quvasoy shahar Favqulodda vaziyatlar bo'limi hamda Farg'ona «Suvta'minot» MChJ Quvasoy shahar bo'limi hoidimlari tomonidan 2023-yil davomida mavjud bo'lgan yong'ingara qarshi yer osti suv olgichlari hamda suv hovuzlarini o'rganish ishlari, ta'mirlalab holga kelib qolganlarini ta'mirlash bo'yicha ijobiy ishlar olib borildi.

2023-yil yakuni 2024-yilda amalga oshirilishi lozim bo'lgan ishlar bo'yicha bo'lim ma'sul xodimlari hamda Farg'ona «Suvta'minot» MChJ Quvasoy shahar bo'limi ma'sul xodimlari hamkorlikdagi yig'ilishda ham ushbu masalalar muhokama qilindi.

Yil davomida Prezidentimizning «Obod qishloq dasturi» bo'yicha 2019 yilda qabul qilingan Qaroridagi dasturlari doirasida shahardagi chekka hududlarini ichimlik suvi bilan ta'minlash bilan bir qatorda yong'ingara qarshi yer osti suv olgichlari o'rnatish ishlari ham jadal olib borilmoqda.

O'tgan yil davomida shaharda mavjud 164 ta yong'ingara qarshi yerosti suv olgichlari Farg'ona «Suvta'minot» MChJ Quvasoy shahar bo'limi mutaxassislari bilan hamkorlikda ikki marotaba o'rganib chiqildi. O'rganishlar davomida aniqlangan 18 ta nosoz yer osti suv olgichlari soz holga keltirildi. Nosozliklarni bartaraf etish maqsadida 2 marotaba shahar hokimiyatiga axborotnoma, shahar «Suvta'minot» MChJ ga 5 ta taqdimnomalar kiritilgan. Hozirgi kunga kelib 6 ta yer osti suv olgichlari nosozligicha qolmoqda.

2024-yil uchun ham shunday ijobiy ishlarni hamkorlikda amalga oshirish rejalari ishlab chiqilib ijroga qaratilgan.

V.NIZOMOV,
Quvasoy shahar FVB 6-YoQQ boshlig'i kapitan.
B.RAXIMOV,
Quvasoy shahar FVB 6-YoQQ smena boshlig'i kapitan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат миллий қонунчилик асоси, балки ўзбек халқининг ҳам бошқа ривожланган мамлакатлар халқлари каби инсон ақли-заковати, шаънига мутаносиб ҳуқуқий давлат, фуқаровий демократик жамият қурилишининг конституциявий - ҳуқуқий гаровидир.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига содиқлигимизни тантанали равишда эълон қилиб, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатимизни намоён қилиб, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатда яшамоқдамиз. Ушбу йўлда Конституцияни қабул қиламиз ва эълон қиламиз. Конституциянинг 30-моддасида кўрсатилганиддек, ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бIRON-БИР ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким айна бир жиноят учун тақдоран ҳукм қилиниши мумкин эмас.

31-моддаси ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

44-моддаси суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёҳуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақилланади.

Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади.

65-моддаси фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга

олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тегишли моддаси, Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги Қонун. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас.

Авазбек ШЕРАЛИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг раиси.



2024 yil
15 fevral

Vatanga xizmat

ISFAYRAM 4

ID –КАРТА ОЛИШ ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

“Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоя амалда ўз исботини топади. Ҳозирги давр шундай даврки ҳар биримиз хушёрликни оширишимиз, амалдаги қонун –қоидаларга қатъий риоя қилиб яшашимиз ва меҳнат қилишимиз керак.

Ш.М.МИРЗИЁЕВ.



Тинчлик- бу олий неъмат. Шу боис инсон ҳамиша тинчликка интилиб яшайди, доимо осуда осмондан нафас олишга ҳаракат қилади. Барча эзгу ва хайрли ишларимизнинг рўйи ҳам ана шу неъмат туфайлидир. Зеро, хотиржамлик бор жойда юксалиш ва тараққиёт бўлади.

Тинчликни сақламоқ, авайламоқ, керак бўлса, уни сақлаш йўлида жон фидо қилиш шу заминда яшаётган ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчидир. Айтиш жоизки, осуда ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, жажжи болажонларимизнинг шодон кулгуси, ота-оналаримизнинг беҳавотир умр кечириши юртимизда барқарор бўлиб турган тинчлик ва оқсоқилликдан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6065-сон Фармони ижросини самарали таъминлаш борасида Қувасой шаҳар ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2023 йил давомида Қувасой шаҳар ҳудудида доимий рўйхатдан

ўтиб яшаб келаётган 11 289 нафар фуқароларга биометрик паспортлар ўрнига идентификация ID-карталар расмийлаштириб берилди. 1124 нафар 16 ёшга тўлиб биринчи мартаба идентификация ID-карта олган ўқувчи ёшларга жойларга чиқиб, фуқаролик паспортлари тантанали тарзда топширилди. Қувасой шаҳар ҳудудида истиқомат қилувчи қариялар, оғир касаллар, ҳаракатланиш фаолияти чекланган 17 нафар фуқароларга уларнинг яшаш манзилларига борган ҳолларда давлат хизматлари кўрсатилиб, идентификация ID-карталар берилди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқишларини янада осонлаштириш мақсадида 7374 нафар фуқароларга хорижга чиқиш учун биометрик паспортлари расмийлаштирилиб, ўз эгаларига тақдим этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасига меҳмонга, даволанишга, хусусий иш билан ва бошқа мақсадларда келган 2541 нафар хорижий давлат фуқаролари Қувасой шаҳар ҳудудида вақтинча рўйхатга қайд этилди. Бир қатор шароитлар яратилишига қарамадан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларини бузган 41 нафар хорижий давлат фуқароларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 225-моддасига асосан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Бугунги кунда аҳоли билан юзма – юз мулоқат қилиб, дарду – ташвишларини тинглаб, муаммоларни ҳал этиш, ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдирини ётганлигини чуқур ҳис этган ҳолда ушбу соҳа ходимлари алоҳида ёрдам кўрсатадиган профессионал хизматга айлантирилган. Шу ўринда айтиш жоизки, айрим фуқароларимиз томонидан ўзига тегишли бўлган фуқаролик паспортини эҳтиётсизлик оқибатида йўқотганлиги ёки бўлмаса яроқсиз ҳолга келтирилгани, қолаверса амал қилиш мuddатини ўтказиб юборганлиги сабабли бўлимга келиб муурожаат қилишади. 2023 йилда 164 нафар фуқаролар Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 223-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди.

ЭСЛАТИБ УТАМИЗ! Юқоридаги Фармонга мувофиқ 2023 йилнинг 1 январидан

бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари биометрик паспортларини идентификация ID-карталарига алмашириш мажбурий қилиб белгиланган.

Қонунчиликда паспортини амал қилиш мuddатини ўтказиб юборган фуқароларга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, мазкур Фармонга мувофиқ идентификация ID-карталарини олиш ва алмаштириш учун фуқаролар ўз ихтиёрига кўра хоҳлаган миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига муурожаат қилишлари керак бўлади. Шунингдек, фуқаролар биометрик паспортларини идентификация ID-карталарига алмаштириш экстеритал тамойили асосида доимий яшаш жойидан қатъий назар Ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига ёки Давлат хизматлари марказларига ташриф буюришлари мумкин.

Биометрик паспортларини ID-карталарига ўзгартиришнинг охириги мuddати 2030 йилнинг 31 декабрига қадар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспортини 2031 йил 1 январдан бошлаб “ҳақиқий эмас” деб ҳисобланади.

Қаҳрамонжон САМИНОВ,
Қувасой шаҳар ИИБ М ва ФРБ
бошлиғи подполковник.

11-SONLI BOLALAR MUSIQA VA SAN'AT MAKTABI YANGI ISTE'DODLARNI KASHF ETMOQDA



Prezidentimiz tomonidan ilgari surilgan 5 ta muhim tashabbusda yoshlarni musiqa, rassomlik, teatr va san'atning boshqa turlariga qiziqishini oshirish va iste'dodini yuzaga chiqarish masalasiga alohida e'tibor qaratilgan.

Shu ma'noda Quvasoy shahar 11-sonli Bolalar musiqa va san'at maktabida 13 ta yo'nalishda 360 nafardan ziyod o'quvchilar san'at sirlarini o'rganishmoqda. Ularga 58 nafar o'qituvchilar bilim va ta'lim-tarbiya berishmoqda.

E'tiborli, mazkur maktabning iste'dodli o'quvchilari Respublika va xalqaro miqyosdagi tanlovlarda ishtirok etib, faxrlari o'rinlarni egallab kelmoqdalar.

Bolalar musiqa va san'at maktabining asosiy maqsadi yosh avlodning musiqa va san'at turlariga qiziqishi va qobiliyatini rivojlantirish, ijtimoiy faolligini oshirish, ularni xalqimiz an'analariga va milliy qadriyatlarimizga nisbatan hurmat ruhida tarbiyalash, ma'naviy va ma'rifiy saviyasini har tomonlama oshirishdan iborat.

Akramjon XADJAEV,
shahardagi 11-sonli Bolalar musiqa va san'at maktabi direktori.

ТАБИЙ ГАЗДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ

“Худудгаз Фаргона” ГТФ “Қувасойшаҳаргаз” бўлими аҳолига табиий газдан хавфсиз фойдаланиш ва ҳаво ҳароратининг совиб кетиши омили сабабли табиий ва суюлтирилган газ, кўмир ва бошқа турдаги иссиқлик манбаларидан фойдаланиш эҳтиёжи туғилганида истеъмолчилар ўзларига қулай ва фойдаланишда осон деб билган қўлбола усулда ясалган, бозорларда арзон нархларда сотилаётган, кўмир ва ўтинга мослаштирилган темир иситиш печларидан (тойчоқ), темир иситиш печларини газ қувурларига резина шланглар орқали, ностандарт горелкалар (темир труба) билан улашиб газ таъминотида узлишлар ва нотекиликларга олиб келувчи газ сўргичлардан фойдаланмасликлари ва хонадонда мавжуд бўлган иситиш печларига бозорларда сотилаётган Ари УЯ деб номланувчи горелкаларни ўрнатмасдан, бунинг оқибатида ностандарт горелкада табиий газ чала ёниб ис газни ажралиб, инсон ҳаётига таҳдид солиши ҳақида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу соҳадаги узвий ҳамкорлик натижасида шахримиздаги ФВБ ҳамда МФИ раислари

билан ҳамкорликда аҳоли истеъмолчиларнинг табиий газдан бўлган дебитор қарздорлигини бартараф қилиш, фуқароларнинг табиий газ ва ҳаво аралашмаси чақнаши, ис газидан заҳарланиш каби бахтсиз ҳодисаларни содир бўлишини олдини олишга эришиб келинмоқда. Қувасой шаҳар газ таъминоти бўлими томонидан қиш мавсумини беталофат ўтказиш мақсадида Қувасой шаҳар аҳолиси учун **ХАВФСИЗ ГАЗ** телеграмм группаси орқали эслатма ва видео роликлар билан огоҳлантириб борилмоқда.

А.МАШАРИПОВ,
“Худудгаз Фаргона”
ГТФ “Қувасойшаҳаргаз”
бўлими ТХ ва ММК
етақчи муҳандиси.

У.СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси тоғ кон геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси, шарқий минтақавий бошқармаси инспектори.

O'QISHGA MARHAMAT!

Professional mutaxassis bo'lishni istasangiz
QUVASOY SANOAT KOLLEJIGA

hujjatlaringizni online va offline tarzda topshirishingiz mumkin.

Abituriyentlarni ro'yxatga olish Davlat test markazining my.uzmb.uz saytida "Professional ta'lim muassasalariga qabul" bo'limi orqali amalga oshirilmoqda.

11-sinfni tamomlagan yoki o'rta maxsus ma'lumotiga ega bo'lgan yoshidan qat'iy nazar fuqarolar hamda korxona va tashkilotlarda faoliyat yuritayotgan ishchi-xodimlarni ilmutaxassislikka kunduzgi, sirtqi va dual shaklidagi ta'limda 6 oydan 2 yilgacha muddatda quyidagi kasblar va yo'nalishlar bo'yicha davlat buyurtmasi (grant) hamda to'lov-shartnoma asosida o'qishga

TAKLIF QILADI !

* Ro'yxatga olish 2024-2025 o'quv yilida davom etadi.

* Bizning manzil: Quvasoy shahar, «Ziynat» nomli MFY, A. Azizov ko'chasi, 235 a uy.

Quvasoy sanoat kolleji/

Murofaat uchun tel:

(+99899)998 01 87; (+99893)644-00-63; (+99893)982-88-86; (+99893)484-80-35.



КИТОБХОН БОЛАЖОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб махсулотларини чоп этиш ва китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш тўғрисида”ги 4789-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида республикаимиздаги барча таълим муассасаларида бир қатор маънавий ва маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қувасой шаҳар Мактабгача ва мактаб таълим бўлими тасарруфидagi 28-умумий ўрта таълим мактабидa ҳам мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида мактабимизнинг 4-синф ўқувчилари иштирокида “Китобхон болажон” мавзусида китобхонлик тадбири ташкил этилди.

Тадбирда мактаб директори Ш.Абдуқодиров, шунингдек мактабнинг барча педагог устозлари, ўқувчилар ҳамда ота-оналар қатнашдилар.

Ўтказилган тадбирда 4-синф ўқувчилари йиғилганларни турли хил рақслар,

шеърлар, ўзбек ва рус эртақ қаҳрамонларини ўз тимсолларида намоён этиб, кўтаринки кайфият баҳишда этди. Унда 4-синфнинг 11 нафар ўқувчилари белгиланган шартлар асосида ўзaro беллашдилар. Дилрўза Толибонова, Саодат Ботиралиева, Таманно Нўмонжоноваларнинг умумий тўплаган баллари бир хил бўлиб, ғолибликни қўлга киритдилар.

Тадбир якунида ғолиб бўлган ўқувчиларга мактаб маъмурияти томонидан эсдалик совғалари топширилди. Шу кунги китобхонлик тадбиридан ўқувчиларни китобга бўлган қизиқишлари янада ортган бўлса ажабмас.

Фариддин РАЖАБОВ,
Қувасой шаҳар 28-умумий ўрта таълим мактабнинг ММИБДЎ.
Ҳалимаҳон ДЖАМОЛОВА,
Қувасой шаҳар 28-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси.

ISFAYRAM

Ijtimoiy-siyosiy,
adabiy-badiiy,
ma'naviy-ma'rifiy gazeta

МУАССИС:

Quvasoy shahar
hokimligi

Bosh muharrir:

O'g'iloy KARIMOVA

Gazeta 2007 yil 9 yanvarda
Farg'ona viloyat
Matbuot va axborot
boshqarmasida 12-007 raqam
bilan ro'yhatdan o'tgan.

JAMOATCHILIK
KENGASHI:

Alisher Mamajonov
Mo'ysinjon Mehmonov
Diloromxon Mehmonova
Nigoraxon Ubaydullaeva
A'zamjon Qosimov
Eldor Kuziev
Nuriddin Xojimaxsudov

TAHRIRIYAT
MANZILI:

150900. Quvasoy shahar,
A.Navoiy ko'chasi 72-uy.
Tel: (99) 993-09-95;
(99) 442-00-84; (73) 372-09-91.

Nashr bichimi: A-2.

Tiraj: 1010

Buyurtma raqami:

NAVATCHI:

Go'zalxon MURODOVA.

Reklama, e'lon, tabrik va boshqa
bildiruvlar obunachilar uchun
bepul chop etiladi.

SAHIFALOVCHI:

Arabjon Masharipov

Gazetaning sifatli chop etilishi
uchun bosmaxona mas'uldir

Marg'ilon shahar

«Poligraf-press» MCHJ

bosmaxonasida ofset
usulida chop etildi.

Korxona manzili:

151100. Marg'ilon shahar

Bosishga topshirish vaqti: 17.00
Topshirildi: 18.00